



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "24" mart

Қ-175 -son

Termiz sh

Термиз тумани "Каттақум" массиви "Учқизил" маҳалласи ҳудудидан "SURXON TERMIZ UMID" МЧЖга "Калифорния ёмғир чувалчанглари боқиб биогомус ишлаб чиқариш" учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/148-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 16 октябрдаги 01-08/365-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Термиз тумани "Каттақум" массиви "Учқизил" маҳалласи ҳудудидан "SURXON TERMIZ UMID" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 180қ-дала контуридаги жами 5,0 гектар яйлов ер майдони "Калифорния ёмғир чувалчанглари боқиб биогомус ишлаб чиқариш" учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "SURXON TERMIZ UMID" МЧЖ "Калифорния ёмғир чувалчанглари боқиб биогомус ишлаб чиқариш" қурилиши учун ажратилаётган 0,10 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 1 300 860 (бир миллион уч юз минг саккиз юз олти миш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий

назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов